

ЗАРАФШОН АҲОЛИСИНING ЛОКАЛ-ЭТНОГРАФИК ГУРУҲЛАРИ ВА УЛАР БИЛАН БОҒЛИҚ ТОПОНИМЛАР

Инагов Хуршиджон зафарович
ЖДПИ Тарих факультети 1 – курс магистранти

Аннотация

Мазкур мақола ўзбек халқи этногенези ҳақидаги фикрларнинг локал – этногеографик гуруҳлари масаласига бағишланган ва унда куйдагилар баён қилинган: Зарафшон воҳасидаги илгари яшаган ҳудуд – муайян ҳудуд билан боғлиқ номлар, ҳудудий гуруҳ номлари ва минтақа бўйлаб тарқалиши ҳақидаги фикрларга ойдинлик киритилган.

Калит сўзлар

Локал, этногенез, урганжи, миришкор, қаршилиқ, чодақлик, жандилиқ, балхи, қорача

XX асрнинг 20- йилларидан то шу асрнинг 80- йилларигача кечган ярим асрдан ортиқ давр мобайнида собиқ иттифоқдош республикаларда, хусусан, Ўзбекистондаги барча вилоят ва туманлардаги жой номларидаги кескин ўзгаришлар Зарафшон воҳасида ҳам юз берганлиги кўзга ташланади. Бу даврда воҳадаги бир қатор жой номлари “коммунистик мафкурага зид”, “эскирган” ёки “эскилик саркити” баҳонаси билан йўқотилиб, ўрнига янги “советча”, асосан, русча номлар кўйилди.

XX асрда Зарафшон воҳасида мавжуд бўлган топонимларни нафақат ўз уруғ номини билувчи аҳолига хос жой номлари, балки ўз номида илгари яшаган ҳудуд – муайян ҳудуд билан боғлиқ номлар ҳам ташкил этганлиги кўзга ташланади. Булар куйдагича: *урганжи*, *миришкор*, *қаршилиқ*, *балхи*. Шунингдек, айнан бу каби топонимларга *чодақлик*, *қўқони*, *жандлик*, *деновли* кабиларни ҳам кўшиш мумкин¹. Асосан, уларнинг номидан келиб чиқиб мазкур номлардаги қишлоқлар аҳолиси ажодларининг қайси ҳудудлардан кўчиб келганликларини аниқлаш қийин эмас. Масалан, Урганжи – Хоразм воҳасидан, Қаршилиқ – Қашқадарё воҳасидан, Қўқони – Фарғона водийсидан ва ҳ.к. Шунингдек, “чиғатой”, “тот” каби этнотопонимларни ҳам шартли равишда бу гуруҳга кўшиш мумкин.

“Урганжи” номли қишлоқ ва маҳаллалар Бухоро вилоятининг бир неча туманларида ва Бухоро шаҳрида (бир неча маҳаллада)², Самарқанд вилояти-нинг Қўшработ ва Нарпай туманларида, “Қаршилиқ” номли 2 та қишлоқ Пастдарғом туманида, “Миришкор” номли қишлоқ Самарқанд вилоятининг Пайариқ ва Иштихон туманларида, Бухоро вилоятининг Қорақўл, Пешку, Бухоро, Ромиган, Шофиркон, Ғиждувон туманларида, Навоий вилоятининг Кармана ва Нурота туманларида, “Тоткент” қишлоғи Нарпай ва Самарқанд туманларида учрайди (1-2 хариталар)

XX асрда ҳудудий гуруҳ номлари, гарчи шаклланиши ва этник таркибига кўра анъанавий туркий уруғ-қабилчилик тизимидан фарқли бўлса-да, Марказий Осиёнинг турли ҳудудларида бўлганидек Зарафшон воҳасида ҳам асосан этниклик касб этган ҳолда учраши кўзга ташланади. Яъни “92 ўзбек уруғи” тизимига кирмаслигига қарамай, “урганжи”, “қаршилиқ” каби ҳудудий гуруҳ вакиллари ҳам бу вақтга келиб маҳаллий аҳоли орасида худди муайян бир этник гуруҳ ёки ўзбек уруғларидан бири сифатида талқин қилина бошлаганлигига гувоҳ бўламиз. Айниқса, урганжи гуруҳи вакиллари Хоразм воҳасидан кўчиб келган ва асосан ўзбек тилининг ўғуз лаҳжасида сўзлашувчи аҳоли ўлароқ Зарафшон воҳасидан ташқари мамлакатимизнинг бир неча вилоят ва туманларида, хусусан, Нурота туманида, Фарғона водийсида ҳам ўз қишлоқларини барпо қилганлар³ ва улар яшайдиган қишлоқлар маҳаллий аҳоли томонидан “урганжилар” деб номланган. Ушбу ҳудудий гуруҳ номи билан аталувчи

¹ Тўйчиев У., Эргашев Ш. Зарафшон водийси қишлоқ аҳолиси жойлашиши тарихидан // Низомий номидаги ТДПИ профессор-ўқитувчиларининг “Педагогик таълимда инновациялар: муаммолар, изланишлар ва ечимлар” мавзусидаги Республика олий ўқув юртинининг олимлари иштирокидаги XXXIII анъанавий илмий-назарий ва амалий-услубий конференцияси маърузалари. 2003 йил 22–23 май. – Ангрен, 2003. – Б. 22.

² Сухарева О.А. Квартальная община позднефеодалного города Бухары ... – С. 105, 126, 152, 160, 166, 224

³ Qorayev S. Toponimika ... – В. 80, 84, 87

қишлоқларнинг салмоғига Зарафшон воҳаси мисолида қараб чиқилса, “Урганчи” ёки “Урганчи” деб аталувчи қишлоқларнинг Бухоро вилоятида анча кўпчиликти ташкил этиши аён бўлади.

Урганчиларнинг минтақа бўйлаб тарқалиши ҳақида турлича фикрлар мавжуд бўлиб, улар орасида Хоразмшоҳ-Ануштегинийлар даври – XI–XII асрларда хоразмлик кўшинларнинг Бухоро, Самарқанд, Нурота, Сирдарё хавзалари, Фарғона водийсини эгаллашлари натижасида Хоразм воҳасидан бир гуруҳ аҳолининг мазкур ҳудудларга келиб жойлашганлиги, шунингдек, сўнгги ўрта асрларда, яъни ўзбек хонликлари даврида Бухоро амирлиги – Хива орасидаги жангу жадаллар пайтида хоразмликларнинг турли ҳудудларга кўчиш жараёнлари юз берганлиги борасидаги қарашлар кенг ёйилган⁴. Биз-нингча, ушбу фикрлар орасида иккинчиси нисбатан ишончлироқ. Чунки муайян бир этнонимнинг қарийб минг йил давомида турли ҳудудларда ўз маъносини сақлаб қолишидан кўра нисбатан яқин асрларда юз берган миграция жараёнларининг минтақамизда кўпроқ ўз таъсирини сақлаб қолганлигига гувоҳ бўламиз. Буни кўчманчи ўзбек уруғлари мисолида юқоридаги параграфларда кўриб ўтдик.

Зарафшон воҳаси этник жараёнларида кўшни ҳудудлар, хусусан, воҳага жанубдан кўшни Қашқадарё воҳаси ўзига хос ўрин тутган. Айниқса, Қашқадарё воҳасининг шимолий ҳудудлари – шимоли-шарқдаги тоғли ҳудудлар бўлган Китоб ва Шаҳрисабз туманлари Самарқанд вилоятининг Ургут тумани билан, шунингдек, ушбу воҳанинг шимолидаги “Қарши чўли” (Ўртачўлнинг жанубий тармоғи) аҳолиси Зарафшон воҳаси аҳолиси билан муттасил равишда этномаданий алоқаларда бўлиб келган. Аҳамиятлиси, ҳар иккала воҳада ҳам асрлар бўйи деярли бир хил этномаданий жараёнлар юз бериши натижасида ушбу воҳаларда бир хил номдаги аҳоли масканлари – этнотопонимлар пайдо бўлган⁵.

Маълумки, XX аср бошларида Қарши шаҳри Бухоро амирлиги таркибидаги 27 та бекликдан бири – Қарши беклигининг маъмурий маркази эди⁶. Қарши шаҳри Бухоро амирлигининг энг кўп даромад келтирадиган шаҳарларидан бири ҳисобланиб, амирликнинг иккинчи сиёсий маркази сифатида тахт меросхўрининг қароргоҳи бўлган. Сўнгги ўрта асрларда Қашқадарё воҳаси ва атроф ҳудудларда кечган фаол ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларда Қарши шаҳри ўзига хос ўрин тутиб, бу ер ўз жойлашувига кўра ўтроқ деҳқон ва чорвадор дашт аҳолиси учун муайян бир маданий макон вазифасини бажарган. Натижада бу ерда турли маданиятларнинг ўзаро қоришуви юз бериб, шаҳар аҳолисига хос шева – ўзбек тили қарлуқ лаҳжасининг алоҳида бир тармоғи, урф-одат ва анъаналар (пазандачилик, ҳунармандчиликнинг айрим турлари – кўнчилик, тўқимачилик, қандакорлик, мисгарлик ва ҳ.к.) бойиб бориб, ўзига хос шаҳар маданияти ташкил топди. Шу жиҳатлари туфайли сўнгги ўрта асрларда минтақамизнинг турли ҳудудларида Қарши шаҳри ва атрофларидан кўчиб бориб жойлашган аҳоли тоифасига нисбатан “қаршилиқ”, “қаршилиқлар” атамаси қўлланила бошлади. Масалан, Самарқанд вилояти (Пастдарғом тумани), Сурхондарё вилояти, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистонда бир қатор қишлоқ ва маҳалларда яшаб, ўз турмуш тарзи ва маданияти (ҳунармандчилиги, этномаданияти) билан бирмунча фарқланган аҳоли гуруҳи шу ном билан аталаши бунга гувоҳлик беради⁷.

Шунингдек, Зарафшон воҳасида нисбатан кам бўлса-да, “Балхи” номли қишлоқ номлари учратилади⁸. Жумладан, Навоий вилоятининг Хатирчи туманида, Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманларида шундай номдаги қишлоқлар мавжуд. *Балхи* муайян бир этноним сифатида ўзбекларнинг қирқ уруғи “қорача” тармоғининг бир бўлими бўлиши билан биргаликда, қозоқларнинг

⁴Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана ... – С. 96–97.

⁵Таққослаш учун қаранг: Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари (тасниф, текстлар ва луғат). – Тошкент.: Фан, 1969. – Б. 11, 161–163.

⁶Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎЗР МДА), 126–фонд, 1-рўйхат, 51–иш, 42–44-варақлар.

⁷Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана (по этнографическим данным). – Москва: Наука, 1976. – С. 66, 69–72; Эштемиров Ж.С. XX – XXI аср бошларида Қарши шаҳри маданияти.: Тарих фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент.: ЎЗР ФА Тарих институти, 2018. – Б. 12.

⁸Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнотопонимы долины Зерафшана ... – С.148.

“киши жуз” (кичик жуз)и таркибида ҳам *балқи* шаклида сақланган⁹. Аслида бу этноним Афғонистоннинг шимолидаги тарихий вилоят Балх билан алоқадор бўлиб, кейинчалик муайян бир этнонимга айланган бўлиши мумкин. Маълумки, Балх вилояти минг йиллар давомида туркий сулолалар қўл остида бўлиб келган. Айниқса, кўчманчи ўзбеклар, Шайбонийлар ва Бухоро амирлиги даврида ушбу вилоят мазкур давлат уюшмаларининг стратегик таянч ҳудудларидан бири бўлиб, бу ерда кўплаб ўзбек уруғлари, шу жумладан, қирқ уруғи вакиллари ҳам яшаганлар. Улар мамлакатимизнинг кўплаб ҳудудларидаги ўз уруғдошлари билан доимий равишда ўзаро алоқада бўлиб келганлар.

XX асрда Самарқанд вилоятида (Самарқанд, Қўшробот ва Пайариқ туманларида), Бухоро вилоятида (Бухоро, Қорақўл, Ромиган, Пешку, Гиждувон ва Шофиркон туманларида) ва Навоий вилоятининг Кармана туманида Миришкор номли бир неча аҳоли масканлари мавжуд бўлган¹⁰. Воҳада “Миришкор” номли топонимларнинг пайдо бўлиши ҳам Қашқадарё воҳаси билан боғлиқ бўлиши керак. Чунончи, Қашқадарё воҳасининг жануби-ғарбий ҳудудлари – қадимдан Касби мавзеси деб номланган ҳудуд аҳолиси орасида “миришкор” деб аталувчи маҳаллий аҳоли яшаб, ўнлаб қишлоқларга эга мазкур аҳоли гуруҳи ўзбек тилининг қарлуқ лаҳжасида сўзлашишган. Анъанавий ўзбек уруғлари рўйхатида қайд этилмаган бўлса-да, миришкорлар ўзбекларнинг бир уруғи сифатида билиниб, асосан, ўтроқ турмуш тарзида фаолият юритган¹¹. Маълумки, “миришкор” сўзи ҳозирги кунда тилимизда “деҳқон”, “боғбон” маъноларида қўлланилади.

Зарафшон воҳасида Тоткент номли қишлоқ учраши эса ҳам этник, ҳам регионал аҳоли гуруҳлари номлари билан боғлиқ. “Тот” атамасида қадимги даврларда туркийлар наздида эроний этнослар тушунилган бўлиб, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида (XI аср) “тат” атамаси асосан форсийлар, баъзан эса мусулмон бўлмаган уйғурларга нисбатан қўлланилган¹². Аслида, бу атама “Девон”дан анча олдин – VII–VIII асрларда Турк хоқонлигига оид бигиктошларда учрайди ва мазмунан ғайритуркий этнослар, хусусан, эронийлар маъносини билдиради¹³. Ўрта асрларда эса “тот” атамаси кўчманчи туркийлар, хусусан, туркманлар томонидан шахар ва қишлоқларда яшовчи эроний ва туркий ўтроқ аҳолига нисбатан қўлланилган. XX аср бошларида марказий осиелик туркийларнинг кўчманчи қисми – қозоқ ва қирғизлар ўтроқ туркийлар (асосан, ўзбек ва уйғурлар)ни “сарт” деб атаган бўлсалар¹⁴, туркманлар ҳам шунга муқобилроқ равишда ўзбек ва тожикларни “тот” деб атаганлар. Жумладан, туркманлар Чоржуй шаҳри ва атрофида яшовчи ўзбеклар “тот” деб номланган. Фикримизча, Зарафшон воҳасида ҳам бу анъананинг давом этиши воҳанинг туркман аҳолиси билан боғлиқ бўлиб, Самарқанд тумани ва атрофларида яшовчи туркманлар таъсирида Тоткент номли топонимлар пайдо бўлган.

Зарафшон воҳасида “Чигатой” номли қишлоқлар Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон ва Иштихон туманларида, Бухоро вилоятининг Олот, Қорақўл ва Шофиркон туманларида, Навоий вилоятининг Хатирчи туманида учрайди¹⁵. Асосан, Сурхондарё вилояти аҳолиси орасида кенг тарқалган бу атама ўрта асрлар, хусусан, Чигатой улуси ва Темурийлар даври маҳсули бўлиб, дастлаб муайян бир сиёсий уюшма аҳолиси учун қўлланилиб, кейинчалик этниклик касб эта борган. Жумладан, Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг “Бобурнома” асарида “турк ва чигатой” атамалари

⁹ Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнонимы долины Зерафшана ... – С.148.

¹⁰ Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнонимы долины Зерафшана ... – С.168.

¹¹ Қораев С. Географик номлар маъноси. – Тошкент.: «Ўзбекистон», 1978. – Б. 79.

¹² Маҳмуд Кошғарий, Туркий сўзлар девони (Девону луғотит-турк) / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов. 3 томлик. Индекс-луғат. Ғ. Абдурахмонов ва С. Муталлибовлар иштироки ва таҳрири асосида. – Тошкент.: Фан, 1967. – Б. 253.

¹³ User Ş.H. Köktürk ve Ötüken Uygur Kağanlığı Yazıtları. Söz Varlığı İncelemesi. 1. Baskı. – Konya: Kömen Yayınları, 2009. – S. 181, 292.

¹⁴ Бехбудий М. Сарт сўзи мажхулдир / Бехбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар. Тузатилган ва тўлдирилган 2- нашри. – Тошкент: Маънавият, 1999. – Б. 193-199; Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнонимы долины Зерафшана (XVIII – начало XX в.). – Тошкент., 2018. – С. 93–94.

¹⁵ Маликов А.М. Тюркские этнонимы и этнонимы долины Зерафшана ... – С. 179.

бирга учраб¹⁶, асар мазмунидан “турк” этноними минтақа аҳолисининг катта қисми учун умумий ном, “чиғатой” эса туркийларнинг бир гуруҳининг номи сифатида қўлланилгани англашилади.

Аслида бу ном Марказий Осиёнинг сезиларли бир қисми Чингизхон томонидан ўгли Чиғатойга улус қилиб берилган тарихий воқеликлар билан боғлиқ равишда, яъни “Чиғатой улусининг халқи” маъносида аста-секин минтақанинг туркий тилли аҳолисининг номларидан бирига айлана боради¹⁷. Шайбонийлар ва ўзбек хонликлари даврида “чиғатой” атамаси кўчманчи ўзбеклардан фарқ қилиб, асосан қишлоқ ва шаҳарларда яшаб ўтроқ турмуш тарзига эга маҳаллий туркий аҳолига нисбатан қўлланила бошлаган ва шу тариқа улар қипчоқ лаҳжасида сўзлашувчи ўзбеклардан фарқланган¹⁸. Бу даврда “чиғатой” деб номланувчи аҳоли гуруҳи Хоразм воҳаси ва Бухоро воҳасининг шимолий қисмларида (Қоракўл) ўз аҳоли масканларига эга бўлишган. Шунингдек, бу пайтда Афғонистон ва Ҳиндистонда яшовчи туркийларнинг бир қисми шу ном билан юритилган. XX аср бошларида ушбу атама Бухоро амирлигининг жанубий ҳудудлари – Сурхондарё вилояти, Жанубий Тожикистон (Кўлоб) ва Шимолий Афғонистон аҳолисининг сезиларли бир қисмини ташкил этувчи аҳоли гуруҳи “чиғатой” аталиб, улар “ўзбек чиғатой” ва “тожик чиғатой”ларга бўлинишган¹⁹.

Адабиётлар

1. Абулов, М. О. (2020). О некоторые приложения теории булевых функций. In Modern stochastic models and problems of actuarial mathematics (pp. 73-74).
2. Абулов, М. О. (2019). КРАЕВАЯ ЗАДАЧА ДЛЯ УРАВНЕНИЯ СМЕШАННО-СОСТАВНОГО ТИПА. Актуальные проблемы математики и информатики: теория, методика, практика, 15.
3. Абулов, М. О. (2019). Нелокальная задачи для одного уравнения третьего порядка. In Информационные технологии и математическое моделирование (ИТММ-2019) (pp. 186-190).
4. Абулов, М. А. (1991). О разрешимости и численной реализации краевых и смешанных задач для одного класса уравнений третьего порядка гиперболического типа (Doctoral dissertation, Новосибир. гос. ун-т).
5. Абулов, М. О. СМЕШАННАЯ ЗАДАЧА ДЛЯ ГИПЕРБОЛИЧЕСКОГО УРАВНЕНИЯ ТРЕТЬЕГО ПОРЯДКА. КАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ, 123.
6. Abulov, M. O. (2021). Some inverse problems for the hyperbolic equation. ASIAN JOURNAL OF MULTIDIMENSIONAL RESEARCH, 10(4), 341-353.

¹⁶ Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома Нашрга тайёрловчи Шамсиев П. – Тошкент.: Юлдузча, 1989. – Б. 172.

¹⁷ Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент., 2001. – Б. 415.

¹⁸ Каюмов А. Этническая ситуация на территории Южного Узбекистана в XIX – начале XX века. Автореф. дисс...канд. ист.наук. – Тошкент.: ИИ АН РУз, 2011. – С. 13–14.

¹⁹ Кармышева Б.Х. Очерки этнической истории южных районов Таджикистана и Узбекистана. – М.: Наука, 1976. – С. 50–55.